

## Қ А Р О Р

2024 йил 17 сентябрь куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи – судья А.Дусмуродов,

судья ёрдамчиси Ж.Хушбаковнинг суд мажлиси котиблигида, ҳуқуқбузар И.Мухторов, Д.Нишанбаевалар ва вояга етмаган жабрланувчи Т.Турғунбоев ва унинг қонуний вакили Т.Тураеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси билан айбланган

Мухторов Иброҳимжон Мухтарович (Muxtorov Ibrohimjon Muxtarovich)– 17.10.1992 йил Сирдарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанлари бор, ишсиз, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Баротхўжа МФЙ, Қўйлиқ 3-тор кўчаси, 3-уйда доимий рўйхатда туриб, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Хабибий МФЙ, Сирғали 5 мавзеси, 106-уй, 4-хонадонда яшовчи ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси билан айбланган

Нишанбаева Дилафруз Одилжон қизи (Nishanbayeva Dilafruz Odiljon qizi) 20.02.1994 йил Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бадахшон 2-тор кўчаси, 20-уйда яшовчига

нисбатан тўпланган 3-1011-2406/6499-сонли маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш ҳужжатларини кўриб чиқиб, куйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

2024 йил 16 сентябрь куни соат 13:30ларда И.Мухторов ва Д.Нишанбаева 322-сонли ўрта мактабда ўқувчи қизи М.Мухторовани мактабда ҳақорат қилган синфдоши бўлган вояга етмаган М.Турғунбоевни қизидан кечирим сўрашини талаб қилиш мақсадида, вояга етмаган М.Турғунбоев яшаб келаётган Сергели тумани, Сергели-5 мавзеси, 108-уйнинг кириш эшигига келиб, шу ерда кўчада юрган вояга



етмаган М.Турғунбоевни кўриб қолиб, жамияда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бақир-чақир қилиб, вояга етмаган М.Турғунбоевдан уни қизидан тиз чўкиб кечирим сўрашни талаб қилаётган вақтида, воқеа жойига келиб қолган М.Турғунбоевнинг акаси вояга етмаган 2008 йил туғилган Т.Турғунбоевни ҳам ҳақорат қилиб, уни танасини турли жойларига қўллари билан урган, шу вақтда Д.Нишанбаев ҳам жанжалга араллашиб, вояга етмаган М.Турғунбоевни елкасига бир неча марта урган.

Т.Турғунбоев олган тан жароҳати юзасидан шифохонага мурожаат қилган ва РШТЁИМдаги бирламчи тиббий кўрикдан ўтганида, унда кўкрак қафасининг чап томон тўқималарининг лат ейишлари мавжудлиги аниқланган.

Ҳолат юзасидан суриштирув давомида Сирғали туман ИИО ФМБ 3-ИИБ ХПБ профилактика инспектори томонидан 2024 йил 17 сентябрь куни Т.Турғунбоевга нисбатан суд-тиббий экспертизасини ўтказиш белгиланган бўлса-да, вояга етмаган Т.Турғунбоев ва унинг қонуний вакили бўлган онаси Т.Тураева суд-тиббий экспертизасидан ўтишдан бош тортишган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар тариқасида сўроқ қилинган И.Мухторов ҳуқуқбузарлигини тан олиб, 2024 йил 16 сентябрь куни соат тахминан 12:30ларда қизи М.Мухторова унга қўнғироқ қилиб, ўзи билан бир синфда ўқийдиган синфдоши М.Турғунбоев уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унга таҳдид қилганлигини айтганлигини, шундан сўнг у турмуш ўртоғи Д.Нишанбаева билан биргаликда М.Турғунбоев яшайдиган уй олдига бориб уларни яраштирмоқчи бўлганлигини, шунда М.Турғунбоевнинг акаси Турғунбоев Темур Шерзод ўғли вазиятга араллашиб уни ва аёлини ҳақорат қилганлигини, бундан жажли чиқиб Т.Турғунбоевни урганлигини, шундан сўнг ўз иш жойига кетганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймон эканлигини, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар тариқасида сўроқ қилинган Д.Нишанбаева, ҳуқуқбузарлигини тан олиб, 4-синфда ўқийдиган қизи М.Мухторова 322-сонли таълим муассасасида таҳсил олишини, 2024 йил 16 сентябрь куни қизи М.Мухторова ўқишдан келиб синфдоши М.Турғунбоев уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унга таҳдид қилганлигини, турмуш ўртоғи И.Мухторовга қўнғироқ қилиб айтганини, шундан сўнг турмуш ўртоғи И.Мухторов билан бирга ҳолатга аниқлик киритиш ва уларни яраштириб қўйиш мақсадида М.Турғунбоевнинг яшаш манзилига боришганлиги, ҳолатга М.Турғунбоевнинг акаси Т.Турғунбоев араллашиб, уни ва турмуш ўртоғини турли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, турмуш ўртоғи бу ҳолатдан жажли чиқиб Т.Турғунбоевни урганлигини, у эса уларни ажратмоқчи бўлганини, жажл



устида вояга етмаган М.Турғунбоевнинг елкасига урганлигини, ҳозирда қилган қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини маълум қилиб, суддан унга ва турмуш ўртоғига нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Т.Турғунбоевнинг қонуний вакили Т.Тураева, қуйидагиларни яъни 2024 йил 16 сентябрь куни яшаш манзилига ишдан қайтганини, қўшнилари унга фарзанди Т.Турғунбоевни ноъмалум шахслар урганлигини айтишганини, қўшнилари ҳолат юзасидан олган видеони унга ташлаб беришганлигини, видеони кўргач ўғли Т.Турғунбоевни РШТЁИМдаги бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида олиб борганлигини, тан жароҳати юзасидан Сергели туман 3-сонли ИИБ профилактика инспектори томонидан 2024 йил 17 сентябрь куни суд-тиббий экспертизасини ўтказиш белгилангани, ҳозирда ўғли Т.Турғунбоев ва М.Турғунбоевнинг аҳволи яхшилиги сабабли экспертизадан ўтишдан бош тортишини маълум қилиб, ҳуқуқбузарлар И.Мухторов ва Д.Нишанбаеваларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чораси қўллашни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган вояга етмаган Т.Турғунбоев қуйидагиларни, яъни у 2024 йил 16 сентябрь куни соат 13:30лар атрофида уйга қайтаётган вақтида Сирғали тумани, Сирғали 5 мавзеси, 106-уйнинг кириш эшиги олдида вояга етмаган укаси М.Турғунбоевни унга нотаниш бўлган шахслар олиб кетишмоқчи бўлишганини, ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида уларни олдида борганини, укаси М.Турғунбоев ўзи билан бир синфда таҳсил олаётган Мухторова Мубина Иброхимжоновнани ҳақорат қилганлиги сабабли унинг ота-онаси И.Мухторов ва Д.Нишанбаевалар қизидан кечирим сўратириш мақсадида келишганлигини билганини, И.Мухторов унинг укаси М.Турғунбоев қизидан тиз чўкиб кечирим сўрашини талаб қилганини, у эса укаси тиз чўкмаслигини айтганини, шунда И.Мухторов унинг танасининг турли ерларига уриб, тан жароҳати етказганлигини, тан жароҳати юзасидан шифохонага мурожаат қилганини, 2024 йил 17 сентябрь куни у олган тан жароҳати юзасидан суд-тиббий экспертизаси тайинланганини, лекин ҳозирда аҳволи яхши эканлигини, шу сабабли суд-тиббий экспертизадан ўтишдан бош тортганлигини маълум қилиб, ҳуқуқбузар И.Мухторов ва Д.Нишанбаеваларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, кўрсатув бериб ўтди.

Суд, И.Мухторов ва Исмаилова мазкур ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги, ўз айбларига иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, ички ишлар ходимининг билдиргиси, тушунтириш хатлари билан, суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлар, видеоёзув ва иш материалларида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, И.Мухторов ва Д.Нишанбаеванинг жамоат тартибини ва



фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, И.Мухторовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда қилмишидан пушаймонлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб, маъмурий ҳуқуқбузарликни бир гуруҳда содир этганлигини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб, уни шахсини инобатга олиб, унга маъмурий қамоқ жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд, ҳуқуқбузар Д.Нишанбаевага нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ҳуқуқбузарликни бир гуруҳда содир этганини жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда, уни шахсини, аёллигини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганини, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 33-моддасини қўллаб, унга у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1, 33, 245, 309, 310-моддаларига риоя қилиб, суд

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Мухторов Иброҳимжон Мухтарович Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

И.Мухторовга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан 15 (ўн беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2024 йил 17 сентябрь куни соат 15:00дан бошлаб ҳисоблансин.



И.Мухторовдан маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш муассасаси фойдасига маъмурий қамоқнинг ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 % ундирилсин, “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 2-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузар маъмурий қамоқ жазосини ўтаётган муассасаси томонидан мажбурий ижрога қаратилсин.

Нишанбаева Дилафруз Одилжон қизи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Д.Нишанбаевага Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 33-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баравари, яъни 340.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Қарордан норози тарафлар қарор эълон қилинган кундан, ҳуқуқбузар қарорнинг кўчирма нусхаси унга топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида ёки истаклари бўйича қарор қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) А.Дусмуродов

Аслига тўғри, судья:

